



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 174 (11.735)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

Аҳоли бандлигини таъминлашда оилалар, айниқса аёллар манфаатлари устувор қўйилиб, касаначилик тизими изчил ривожланиб бормоқда.

Ислоҳотлар оқидамида

ҲУНАРДАН ЗАР УНАР

«Qavs-Gilam-To'qish» масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Чоғроқина бўлсада, аммо ўзига хос шинамгина хонада икки-уч аёл тўқийётган гиламларни кўриб, хайратимиз ошди.

— Ҳунар, ҳунардан зар унар, деб бежиз айтилмайди, — дейди корхона раҳбари Абдулқайом Исроилов. — Астойдил интилган киши гилам тўқиш сир-синоатини икки-уч ойда бемалол ўргана олади. 2007 йилдан бери фаолият юритаётган бўлса, ўтган вақт ичида қанчадан-қанча аёлларимиз бу гўзал ҳунарни ўрганиб, ҳозирда кўзни қувватувчи гиламлар тўқимокда. Дастлаб уч киши билан фаолият бошлаган бўлсак, ҳозирда 120 нафар ишчимиз бор. Уларнинг 70 га яқини уй шароитида буюртмаларни бажаради. Касаначиларга дастохдан тортиб, майда-чуйдаларга ҳозирлаб, бемалол ишлаши учун шартит яратиб берамиз. Корхона қошида ўқув маркази ҳам очилган, атрофдаги маҳалла ёшлари қўли гул усталаримиздан ҳунар сирларини ўрганмоқда. Уларга стипендия ҳам тўланади. Ҳозирги кунда шаҳарда корхонанинг еттига филиали очилган бўлиб, уларда ҳам бу ўзига хос ноёб санъат сирини ўрганишга аҳд қилганлар сафи кўпчиликти ташкил этади.

— Марказга Чорсу даҳасидан қатнайман. Фарзандларим ёш бўлгани учун ҳар кун ишга бориб-қелишга имкониятнинг йўқ эди. Икки-уч

ой ичида ҳунар ўргандим. Ҳозирда мустақил ишлаб, оиламга моддий ёрдам беришман. Фарзандларимнинг ёнида бўлиб, таълим-тарбиясига ҳам вақт ажратаяпман, — дейди Арофат Содикова.

— Мен эса 302-мактабнинг 9-синфига ўтдим, — дейди Диёра Содикова. — Ўзги таътил кунларидан унумли фойдаланиб, ҳунар ўрганиш истагида бу ерга келдим. Бундан ташқари, араб, инглиз, рус ва турк тилини ҳам пухта ўрганишга интилиб, тўғаракка қатнашман. Демокчиманки, биз, ёшлар, яратилаётган имкониятлардан қатнашиб, тажриба алмашамиз, мухтожларга ёрдам беришга ҳаракат қилиб, дуо оламиз. Баркамол авлод йилида янада кўпроқ ёшларга ҳунар ўргатиб, 50 нафар касаначи тайёрлашни мақсад қилдик.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Мамлакатимизда ҳар йили сентябрь ойининг охирида «Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги – INFOCOM» бўлиб ўтади. Ҳафталик доирасида соҳани ривожлантиришга қаратилган ҳамда мутахассислар ва кўп сонли АКТдан фойдаланувчилар учун бирдек қизиқарли қатор тадбирлар ташкил этилади, деб хабар беради ЎЗА.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАФТАЛИГИ: СТРАТЕГИЯ ВА РИВОЖЛАНИШ

Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллий саммит – АКТ-2010 «Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги – INFOCOM-2010» доирасидаги муҳим тадбирлардан биридир.

Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича саккизинчи миллий саммит Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукумати» мамлакат ривожланиши учун ахборот-коммуникация технологиялари сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда кўмаклашиш» лойиҳаси (ICTP), Ўзбекистонда IT-компаниялар ва ташкилотлар уюшмаси томонидан ташкил этилади.

Пойтахтимида саккизинчи мартаба ўтказилган АКТ-саммитида ҳар йили Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлардан қарийб 400 нафар делегат иштирок этади. Улар форумда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги сўнгги ютуқ ва ишланмаларни муҳокама қилади.

XXI асрда ахборот-коммуникация технологиялари кириб бормаган соҳани тасаввур қилиш қийин. Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кенг қамлаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2002-2010 йилларда ком-

пьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури бунга яққол мисолдир. Мазкур дастурнинг амалиётга тадбиқ этилиши Ўзбекистонда ахборот маконини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Халқаро аҳамият касб этган мазкур саммит ҳам миллий экспертлар, ҳам хорижий мутахассислар эътиборини кенг жалб этиб келмоқда. Дастлабки АКТ-саммитлари ўтказилган йилларида 200 делегат иштирок этган бўлса, бугунги кунда қатнашчилар сони икки баробар кўпайди. Айни пайтда, тадбирда иштирок этадиган мамлакатлар географияси ҳам кенгайди. Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Литва, Нидерландия, Россия, АКШ, Финляндия, Чехия, Япония каби мамлакатлар шулар жумласидандир.

АКТ-саммити давлат органлари, халқаро ташкилотлар мутахассислари АКТ бозорини таҳлил қилиш, соҳадаги ютуқлар билан танишиши, янги барқарор ва ишончли шериклар топиши, Ўзбекистон Республикасида АКТни янада кенг жорий қилишда қўшимча сармоя ресурсларини жалб қилиш имконини беради. Соҳани ривожлантиришда фикрлар, иловалар, янги гоя ва истиқболларни муҳокама қилиш учун кенг имкониятлар яратадиган АКТ-саммити АКТ ҳафталигининг ўзига хос интеллектуал қисми ҳисобланади. Ҳафталикнинг амалий қисмида эса АКТ-саммитдан кейин ўтказиладиган ICTExpo-2010 кўргазмаси ташкил этилади.

АКТ-саммити 21 сентябрь кунини Тошкентдаги

Халқаро бизнес-марказида бўлиб ўтади. Унда Ҳиндистон, Испания, Исроил, Жанубий Корея, Россия, АКШ, Туркия, Чехия каби мамлакатлар ҳамда ахборот технологиялари бозорининг муҳим иштирокчиларидан бири бўлган Ўзбекистондан қарийб 350 делегат иштирок этади.

Саммит иши стратегия ва ривожланиш, технологиялар ва инфратузилма, иловалар ва қарорлар бўйича уч мавзуга оид йўналишда бўлиб ўтади. Форум доирасида АКТни ривожлантиришда миллий дастурларни жорий қилиш ютуқлари ва муаммолари, жамиятнинг айрим соҳаларига ахборот технологияларини жорий қилиш тажрибаси, электрон бошқарув, электрон соғлиқни сақлаш, инфратузилмани ривожлантириш, медиа бизнес ва инновация фаолиятни ривожлантириш соҳаларида қатнашадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда 150 дан зиёд кичик ва йирик корхоналар, икки мингдан ортиқ улгуржи ва чакана савдо корхоналари ҳамда молия муассасалари қатнашиди.

Конимех туманида янги Телемен турар жой даҳаси бунёд этилди. Бунда бир қаватли тўрт хонали ўн та уйдан дастлабки бештаси қуриб битказилиб, қалитлари эгаларига топширилди. Турар жой даҳаси қурилиши якунланганидан сўнг посёлка инфратузилмасини шакллантириш кўзда тутилмоқда.

Кўконда мева-сабзавот консерваларини ишлаб чиқариш бўйича мини- завод ишга туширилди. Бу ерда 45 нафар киши ишга жалб этилган бўлиб, заводда бир соатда 20 тоннадан ортиқ мева ва сабзавотларни қайта ишлаш имконияти мавжуд.

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Юртимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасида электроника, автомобиль қисмларини ишлаб чиқарувчи, полимер ва озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлайдиган 5 та корхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.
- Мамлакатимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан «Камолот» ЁИХ билан ҳамкорликда ташкил этилаётган «Келаҳак овози – 2010» кўрик-танловининг вилоят босқичлари ғолибларини тақдирлаш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Шундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Жиззах, Наманган ва Навоий вилоятларида ўтказилди.
- Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия кўмитасининг навбатдаги пленумида Экоҳаракатнинг 2009 йилнинг декабридан 2010 йилнинг августига қадар бўлган давридаги фаолияти якунлари кўриб чиқилди.
- Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрами арафасида Қашқадар вилояти Деҳқонobod туманида барча қулайликларга эга хизмат кўрсатиш мажмуаси иш бошлади. Лойиҳа қиймати 128 миллион сўм бўлган ушбу мажмуада тўйхона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари мавжуд.
- Нукус шаҳри марказида Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларидан келган фермерлар, миришкор деҳқонлар томонидан етиштирилган 150 га яқин навадаги қовунлардан иборат қовун сайли ўтказилди. Тадбир доирасида савдо ярмаркаси ҳамда «Қовун болалар назарида» номли кўргазма ҳам ташкил этилди.
- Наманган шаҳридаги «Пахлавон» спорт мажмуасида халқ истеъмоли моллари ярмаркаси бўлиб ўтди. Истеъмоли бозорини экспортбон маҳсулотлар билан тўлдиришда фаол қатнашадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда 150 дан зиёд кичик ва йирик корхоналар, икки мингдан ортиқ улгуржи ва чакана савдо корхоналари ҳамда молия муассасалари қатнашиди.
- Конимех туманида янги Телемен турар жой даҳаси бунёд этилди. Бунда бир қаватли тўрт хонали ўн та уйдан дастлабки бештаси қуриб битказилиб, қалитлари эгаларига топширилди. Турар жой даҳаси қурилиши якунланганидан сўнг посёлка инфратузилмасини шакллантириш кўзда тутилмоқда.
- Кўконда мева-сабзавот консерваларини ишлаб чиқариш бўйича мини- завод ишга туширилди. Бу ерда 45 нафар киши ишга жалб этилган бўлиб, заводда бир соатда 20 тоннадан ортиқ мева ва сабзавотларни қайта ишлаш имконияти мавжуд.

ЖАҲОНДА

- Кеча Висконсин штатидаги ўзининг чиқишида АКШ президенти Барак Обама иқтисодий ислоҳотлар асосида мамлакатни ривожлантиришнинг 6 йилга мўлжалланган режасини баён этди.
- Молдавиядаги бошқарувчи коалициялар етакчилари парламентнинг тарқатилиши ҳусусида қелишиб олдилар.
- МДХ суди нефть маҳсулотларига нисбатан бош тўловлари юзасидан Беларусунинг Россияга нисбатан даъвосини кўриб чиқади.
- Гватемаладаги табиий офат қурбонлари сони 40 кишига етди. 16 киши эса бедарак йўқолган.
- Конго Демократик Республикасида йўловчиларни олиб кетаётган паром ҳалокатга учради. Касаи дарёсида юз берган фалокат оқибатида камидя 200 нафар одам ҳалок бўлган. Ушбу кўнгилсизлик кеманинг двигателида юзага келган ёнғин туфайли содир бўлган.
- Жанубий Африка Республикасида ҳукуматнинг ойлик маошларини 7,5 фоизга оширилиши тўғрисидаги ваъдасидан сўнг 18 августдан буён давом этаётган давлат сектори хизматчиларининг иш ташлашлари тўхтади.
- Москвада тўрт кун давомида цирк санъати бўйича халқаро ёшлар фестивали бўлиб ўтди.
- Дунёга машҳур «MasterCard» (АКШ) корпорацияси электрон савдо билан шуғулланадиган «DataCash» (Буюк Британия) компаниясини сотиб олди. Ушбу хариднинг нархи 400 миллион евро деб эълон қилинди. Маълумотларга кўра, ташкилот шу орқали Оснё, Европа ва Австралиядаги электрон тижорат соҳасидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш ниятида.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг аҳолининг электрон реестрини яратишга оид фаолиятини такомиллаштириш, Тошкент шаҳар Сергели туманида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали «Ягона ойна» – давлат хизматларини кўрсатиш марказини ташкил этиш бўйича тажриба синов лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрда қабул қилинган «ZiyoNet» ахборот тармоғини яна-

да ривожлантириш тўғрисидаги қарорининг ижроси, «Ахборот тизимларида электрон рақамли имзонинг очик қалитлари сертификатларини қўллаш ва ҳақиқийлигини эътироф этиш тартиби тўғрисида»ги низоми ҳамда давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали интерактив давлат хизматларини кўрсатиш талабларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Муҳокама жараёнида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органла-

ри фаолиятини такомиллаштириш, аҳолининг электрон реестрини яратиш бўйича амалга оширилган ишлар ва вазифалар тўғрисидаги тақлиф-мулоҳазалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда ilk бор Тошкент шаҳрининг Сергели туманида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали «Ягона ойна» – давлат хизматларини кўрсатиш марказини ташкил этиш бўйича тажриба синов лойиҳаси амалга оширилгани ва ушбу марказ орқали фуқароларга қатор енгилликлар яратилган-

лиги таъкидланди ҳамда бундай марказларни юртимизнинг бошқа вилоятларида ҳам очиб масалалари бўйича тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги «ZiyoNet» ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорининг бажарилиши юзасидан мутасадди вазирлик ва идораларда олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Қўрилган масалалар бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ҳамда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда соҳа мутахассислари томонидан кўрсатма ва тақлифлар берилди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди.

(ЎЗА)

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ШАҲРИМИЗ** мактабларида Ўзбекистон ИИВ йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ташаббуси билан янги ўқув йилидан бошлаб «Диққат, болалар» лойиҳаси доирасида турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат техника университетиде Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1037 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Халқаро кураш ассоциацияси ташкил этилганлигининг 12 йиллигига бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **СЕРГЕЛИ** тумани ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг маъмуриятга бағишланган кенгайтирилган семинар бўлиб ўтди.

Қарор ва ижро

ҲАР БИР УЙ ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг самарали фаолият юритиши учун шарт-шароит яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Уй-жой фондини бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, аҳолининг кўп қаватли уйлари яхши ҳолатда сақлаш ва капитал таъмирлашда манфаатдорлигини ошириш бўйича хизматлар бозорини такомиллаштириш бу борадаги устувор вазифалардандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 апрелда қабул қилинган "Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини янада ривожлантириш ва турар жойларга хизматлар кўрсатишнинг аниқ бозорини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада белгиланган вазифаларни бажаришда муҳим дастурил-амал бўлиб хизмат қилмоқда.

"Ўзкоммунхизмат" агентлиги маълумотларига кўра, кўп қаватли уйлارга самарали хизмат кўрсатиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш мақсадида 4979 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил қилинган. Бугун қарийб 29 мингта кўп қаватли уйларида истиқомат қилувчи фуқаролар уларнинг хизма-

тидан фойдаланмоқда. Ширкатларнинг янада самарали ишлаши учун мамлакатимизнинг барча туманларида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари ташкил этилмоқда. Улар, ўз навбатида, ширкатларнинг кичик бўғинларига кўмаклашмоқда, ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, зарур ҳужжатлар билан таъминламоқда, хизмат кўрсатувчилар учун тренинглар ташкил қилишда амалий ёрдам кўрсатиб, уй-жой фондидан фойдаланишнинг самарали усулларини жорий қилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 60 дан зиёд вилоят ва шаҳар ширкатлар уюшмалари фаолият кўрсатаётир.

Ширкатлар коммунал хизматлар кўрсатиш тизимида бошқарув ком-

паниялари билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Айни вақтда 2693 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ушбу компаниялар билан шартнома тўзди. Ушбу шартномалар асосида кўп қаватли уйлари капитал ва жорий таъмирлашда, коммунал хизмат кўрсатиш, масалан, лифтларга хизмат кўрсатиш бўйича зарур ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда. Бундан ташқари, 2,5 мингдан ортиқ ширкат техник хизмат кўрсатиш, сув, иссиқлик ва газ таъминоти бўйича 497 авария-диспетчерлик хизматлари билан шартнома тўзди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги "Ипак йўли" кичик ширкати томонидан, деб хабар беради ЎЗА, мазкур йўналишда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусий

уй-жой мулкдорлари ширкати бошқараётган кўп қаватли уйда яшовчилар бир-бирини жуда яхши танийди, ҳамма бир-бирига ёрдам кўрсатади. Негаки, улар умумий уйда яшайди ва бу уйни асраш лозимлигини яхши англайди.

"Ипак йўли" ширкати раҳбари Антонина Смирнованинг таъкидлашича, аҳолининг фаол иштирокида уй капитал таъмирланган. Барча муҳандислик коммуникациялари янгиланиб, янги устунлар, совуқ ва иссиқ сув ҳисоблагичлари, кодли қўлфлар ўрнатилган. Энергия ресурсларини истеъмол қилишни камайтириш мақсадида ҳар бир подъездда электр ҳисоблагичлар ўрнатилган.

"Ўзкоммунхизмат" агентлигидан маълум қилишларича, жорий йилда 1991 йилгача қурилган 2590 дан ортиқ кўп қаватли уйни таъмирлаш режалаштирилган. Шу йилнинг биринчи ярмида ушбу мақсадлар учун 10 миллиард 901 миллион сўм маблағ ажратилди.

Бажарилган ишлар натижасида йил бошидан буён 619 кўп қаватли уй капитал таъмирланди, 760 уйда эса, томлар, ертўлалар ва муҳандислик иншоотларини капитал таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Меҳрибон МАМЕТОВА

ЭКОЛОГИЯ ВА ЁШЛАР

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Ёшлар қанотининг республика конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, Экоҳаракатнинг ёш фаоллари иштирок этди, деб хабар беради ЎЗА.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши раиси Борий Алихонов мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг экологик маданиятини юксалтириш юзасидан олиб борилаётган кенг қамровли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Бунда ёшлар ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган "Инсон ва табиат муносабатлари" мавзудаги давра суҳбати, "Она-жоним табиат" иншолар танлови, "Чимён сандоси" фестивали каби тадбирлар шулар жумласидандир. Шунингдек, ёшларни кашандалик, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик сингари салбий иллатлардан ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган "Ёшлар гиёҳвандликка қарши" форуми йилнинг кезларида катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ёшлар қаноти навқирон авлоднинг интеллектуал, ижодий ва илмий салоҳиятини унумли фойдаланиб, соҳадаги тарғибот ишларига уларни кенг жалб қилишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Конференцияда Экоҳаракат Ёшлар қанотининг келгусидаги вазифалари белгилаб олинди.

– Юртимизда экологик барқарорликни таъминлаш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни соғломлаштириш ишларига ёшларни кенг жалб этиш – давр талаби, – дейди Ўзбекистон Экологик ҳаракати Ёшлар қаноти етакчиси Аваз Худойбердиев. – Шу боис келгусида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди.

Гўзал САТТОРОВА

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ КЕЧА

Собир Раҳимов туманидаги Нақшбанд номли маҳаллада мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланган шодиёна бўлиб ўтди. «Офарин» кошонасини тўлдириб ўтирган маҳалла аҳли, тиббий коллежи ўқувчилари, отахон онахонлар шу кунни олимлар, шоирлар, санъаткорлар иштирокидаги кечанинг гувоҳи бўлишди.

Байрам даврасини маҳалла оқсоқоли Шўхрат Усмонов очиб, истиқлол байрами арафасида амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтди. Бу борада, таъкидланганидек, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги томонидан ҳар бир маҳалладан иккитадан ёрдамга муҳтож оилаларнинг коммунал тўловлари амалга ошириб берилгани эътиборлидир.

Тадбирда маҳалла фуқаролар йиғинининг фаол фуқароларга ажратган мукофотлари ҳам эъланга топширилди.


Шоирлар Нуриддин Аминжон, Шавкат Туроб, Темур Убайдуллоларнинг чиқишлари ўзига хос мушоирага айланди. Улар она Ватан, маҳалла, меҳр-оқибат, садоқатни қуйловчи янги шеърларидан ўқиб беришди. Ҳофиз Абдуллажон Ғофуров, маҳалла бадий ҳаваскорлари ижро этган мумтоз кўшиқлар, 509-мактабга таълим муассасаси тарбияланувчилари ижро этган рақслар кечага файз бағишлади.

ДИЛЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Юртимиз истиқлолининг 19 йиллик айёми маҳаллаларда фаоллар, фахрийлар, ёшлар иштирокида кенг нишонланмоқда. Мирзо Улуғбек туманидаги «Шўртепа» маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан уюштирилган шодиёна кеча серқуёш диёримиз тўйига бағишланди.

Маҳалла бадий ҳаваскорлари ижросида меҳру оқибат, она Ватан, муҳаббат, истиқлолни мадҳ этиб янграган куй-қўшиқлар кеча файзига ўзгача файз бағишлади. Болажонлар ижро этган шеърлар, кўшиқлар, рақслар маҳалладошлар кайфиятини кўтариб юборди. Айниқса, маҳаллада яшовчи кам таъминланган оилалар вакилларига, нуруний отахонлару онахонларга маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тўхта этилган совғалар маҳалладошлар кўнглини тоғдек кўтарди.

Анвар ҲАСАНОВ



ШАҲАРЧАДА МАЪРИФАТ МАСКАНИ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, шаҳарча ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ бўлими ва «Акмал-Зиё» хусусий корхонаси ҳамкорлигида қад ростлаган янги китоб марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган таълим муассасалари раҳбарлари, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар, турли наشريётларнинг мутасаддилари иштирок этди.

— Қад ростлаган ҳар бир янги иншоот инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат қилади, — деди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Рўзимурот Чориев. — Буюк байрамимиз арафасида кексаю ёшнинг кўзида озодлик ва ҳурлик қувончларини, юртга шукроналик туйғуларини кўрмоқдамиз. Ён-атрофимизда янгиликка ўч, яратиш иштиғи билан ёниб яшаётган, изланувчан, интилувчан, иқтидорли ёшларимиз жуда-ям кўп. Улар дунёнинг барча мамлакатларида ўз истеъдодларини намойиш қилмоқда. Шаҳарчамиз ҳудудида ҳар йили мустақиллик байрами арафасида янги иншоотларнинг бунёд этилиши аънаънага айланган. Янги қад ростлаган китоб маркази энг улуг ва энг азиз байрамимизга муносиб совғадир. Ушбу марказ фаолияти нафақат талаба ва ўқувчиларимизнинг, балки ҳар бир кишининг маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Келажакда

бу ерда республикамизда фаолият юритаётган турли наشريётларнинг нуқталарини очиш, дарсликлар муаллифлари, шоир ва ёзувчиларимиз билан ёшлар мулоқотларини жонлантириш борасида қатор тадбир-

ёнасига айланиб кетди. Карнай-сурнай наволари остида дилбар куйлар янгради, эл севган шоир ва ёзувчилар ўзларининг дилтортар шеърлари билан барчага хушнудлик бахш этди.

Марказ пештахталарида ўн мингдан ортиқ бадий, илмий, шеър, тиббий ва ўқув адабиётлари жой олди. Бундан ташқари, китобхонларга янада қулайлик яратиш мақсадида электрон кутубхона ҳам ташкил этилган бўлиб, унда бир вақтнинг ўзида барча қўлланма ва дарсликларнинг электрон вариантларидан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Келажакда ўндан ортиқ наشريётлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда бунёд этилаётган ҳар бир иншоот аҳолининг тинч ва фаровон ҳаётидан бир саҳифадир. «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида қад ростлаган янги маскан ҳам ёшларимизга бўлган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин усулини, эзгуликнинг нури бир дебодасидир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

Келажакимиз ворислари — ёшлар билимини юксалтириш, уларга касб-хўна сирларини пухта ўргатиш шу куннинг долзарб масалаларидан бири эканлиги яхши маълум.

Истиқлол шарофати туфайли халқ таълими, ўрта махсус, касб-хўна таълими муассасалари ўқувчиларининг билимини кучайтириш мақсадида педагоглар малакасини оширишга ҳам жиддий эътибор қаратилаётгани қувонарли ҳол.

Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан янги йилдан бошлаб таълим муассасаларида «Устоз-шогирд» мактаби жорий этилмоқда. Энди турли фанлардан сабоқ бераётган ёш педагоглар тажрибали ўқитувчиларга бириктирилади ва устоздан ўқувчиларга сабоқ беришнинг замонавий, интерфаол усулларини ўрганади. Бундай тажриба ёшларнинг ўзи қизиққан фан сирларини пухта ўзлаштиришига амалий ёрдам беради.

БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

Ёшларнинг маънан етук, жисмонан кучли бўлиб шаклланиши мақсадида уларнинг билим олишлари, спорт билан шуғулланиши учун амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар эътиборга лойиқдир.

Истиқлол байрами ҳамда Баркамол авлод йиллига тўхфта сифатида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қошидаги «Турон» ахборот-ресурс маркази ўз фаолиятини янги бинода бошлади. Замонавий усулда қад ростлаган ушбу бинода ёшларнинг кутубхона фаолиятдан тўлақонли баҳраманд бўлиши

учун барча шароит яратилган. Бадий, илмий, ўқув адабиётлари билан таъминланган ушбу зиё масканида электрон китоблар билан танишиш имконияти ҳам очилган. Шунингдек, ахборот-кутубхона марказида кундалик газета-журналларни мўтлава қилиш, компьютер хизматида фойдаланиш мумкин. Акбар ВАЛИЕВ

Билиб қўйган яхши

СЕДАНАЛИ ЧОЙ

Одатда ширмой нонлар ёпишда седана уруғларидан фойдаланилади. Седана нафақат нонларнинг хушбўйлигини орттирибгина қолмасдан, балки узоқ сақланишига ҳам ёрдам беради.

Седанали чой тайёрлаш учун ярим литрли чойнакка бир чой қошиқ кўк ёки қора чой, 20-30 дона седана уруғи ташланиб, «патиллаб» турган қайноқ сув қуйилади. Седанали чойни ширинлик билан ичиш тавсия этилади.

Седанали чой иштаҳага барака беради, овқатнинг аъзоларга сингишини ях-

шилайти, оғиздаги нохуш ислардан холи қилади, пешоб ҳайдаш хусусиятига эга. Седанали дамлама кўкрак сутини мўл бўлишига ёрдам беради, заҳарли унсурларни организмдан чиқиб кетишига мойиллик яратади. Сувчечак, сариқ касалликлариде эмлик қилади, талоқнинг шамоллашида ижобий таъсир кўрсатади. Седанали чой қоринни қадалиб оғриши, елдан озод бўлишига ёрдам беради, қаттиқ шамоллаш, тумов, грипп касалликлариде энгиллик бериб, ёпишқоқ балғамнинг кўчишини осонлаштиради. Тоза асал билан истеъмол этиладиган бўлса, қовуқ ва буйракдаги қумларни ҳайдайди, тошларнинг нурашига воситачилик қилади.

КАШНИЧ УРУҒЛИ ЧОЙ

Кашнич уруғлари (меваси)дан бир чой қошиқ олиб, ярим литрлик чойнакка солинадиде, устига сув солиб, энгил аланга устида беш дақиқа қайнатилади. Сўнг бир чой қошиқ қора чой ташланади, ўз тафти билан совутилади, яъни хона ҳароратига тенглаштирилади. Сўнгра бирорта мато воцитасида сузиб олиниб, истеъмол этилади.

Мазкур дамлама хафакон ва атеросклероз касалликларини даволашда, изтиробли йўтални қолдиришда, гижжа ҳайдашда тавсия этилиши мумкин. Шунингдек кашничли чой балғам кўчирувчи, бавосилга қарши ўт ҳайдовчи, овқатни яхши ҳазм бўлишини таъминловчи, қайт этишни тезлаштирувчи, оғиздаги нохуш исларни кетгазувчи омил сифатида ҳам фойдаланилади. Кашничли чой тўтқонда, қуёнчиқда ҳам маълум даражада фойда беради.

Одил ҲАСАНОВ тайёрлади

Кейинги йилларда юртимизда ўсиб келаётган авлоднинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етиши бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Ўқувчи-ёшларнинг мазмунли дам олишини ташкил этиш, спорт билан шуғулланиши йўлида ўтган уч ой давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали томонидан ўтказилган спорт мусобақалари ҳам айнан шу мақсадга қаратилгани билан эътиборлидир.

«Чилонзор» спорт мажмуасида учта босқичда ўтказилган ушбу беллашувлар голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ёз ойлари мобай-



2010 йил — Баркамол авлод йили

ГОЛИБЛАРГА СОВРИНЛАР ТОПШИРИЛДИ

нида Халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган спорт мусобақаларига 23,6 мингдан зиёд ўқувчи жалб этилиб, уларнинг 10,2 минга яқинини қизлар ташкил этди. Қизқарли ва таассуротларга бой тарзда ўтган мусобақаларнинг финал босқичида спортга астойдил меҳр

қўйган мингдан зиёд ёшлар галаба қозонди.

— Спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, кўл тўпи, шахмат-шашка, стол теннис, кураш ва ёнги атлетика каби турлари бўйича ўтказилган мусобақаларга оромгоҳларга жалб этилган ёшлар кенг қамраб олинди, — дейди Болалар спортини

ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали мутахассиси Махбуба Қурбонова. — Уларни спортга узлуксиз жалб этиш, соғломлаштиришга қаратилган ҳаракатларимиз бесамар кетмади. Мусобақалар давомида спортнинг турли йўналишлари бўйича янги истеъодларни аниқлаб, тавсиялар бердик.

Тадбирда ушбу ўйинларнинг голиблари деб умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга Чилонзор, иккинчи ва учинчи ўринларга — Яққасарой ва Учтепа туманлари жамоалари муносиб топилди.

Голиблар «Ёшлик» жисмоний тарбия спорт жамияти шаҳар кенгаши ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиалининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шоҳиста МАХМУДОВА
Козим Улмасов олган суратлар



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ
АСРЛАРНИ БЎЙЛАГАН ҲИКМАТЛАР

Навоий умрни шамолга ўхшатади: ҳар қанча югуриб, шамолга етиб бўлмагани сингари, шиддатли умр оқимини ҳам тўхтатиб туриш мумкин эмас. Шундай экан, қўлингдан келганча уни шод-хуррам ўтказ, токи сўнги лаҳзада бу олам айвонини афсусу надомат билан тарк этма:

Эй Навоий, умр ўтар елдек,
ўзунгни шод тут,
Елга етмақ мумкин эрмастур
чу суръат кўргузуб.

Бошқа бир газалида изтироб билан ёзганидай, гуллаган ёшлик бўстони ҳарчанд игнабанд девор билан ўраб олма, кексалик қўшини — куз барибир унга бостириб қиради:

Ҳазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монёв
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Маълум бўладики, Алишер Навоий ижоди ўзига хос ҳикмат бўстониридир. Ўзингизда туғилган ҳар қандай саволга жавоб излаб, унга муурожаат қилсангиз, аҳоли рўҳингизга мос бир ҳикмат топиб, мақсадингиз ҳосил бўлиши, кўнглингиз таскин топиши шубҳасиз. Чунки кўпни кўрган доғишман шир ҳаётнинг даярли ҳамма яхши-ёмонини бошидан ўтказган, инсон феълнинг бутун «ўру қир»ини обдан қузатган, табиат ва жамият ҳодисаларини теран таҳлил қилган, бир сўз билан айтганда, олам ва одам билан боғлиқ барча нарса-тушунчаларни ақл тарозисидан ўлчаб, кўнги дафтарига дарж этган. Шоир ҳикматлари ҳаётдан олинганлиги, шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий юксак эканлиги учун ҳам бирор-бир замонда ўз аҳамиятини йўқотмай, барча тоифага маъқул бўлиб келаяпти ва то ер юзида инсон авлоди яшар экан, уларнинг қиммати заррача камаймайди, бильякс тобора ортиб бораверади.

Султон Хусайн Бойқаро «Рисола» асаридан Алишер Навоий ижодига юксак баҳо бериб, уни сўз мулкининг соҳибқирони деб таърифлаган эди. Дарҳақиқат, ўзининг қудратли қалами куч билан ҳаётлигдаёқ Шарқ мамлакатларини забт этиб:

Олибмен тахти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табрэз —
Ки, қилмишдур найи қилким шакаррез.
Кўнгул бермиш сўзумга турк жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балким турком ҳам.
Не мулк ичраки, бир фармон йибордим,
Анинг забтига бир девон йибордим, —
дея, ўзининг тенгсиз шеърӣ салохияти, асарининг шўхрати билан ифтихор этган шоир бугунги кунда беш аср беридаги забардаст халафи илму адаб аҳлининг эътиборини ўзига қарата турибди:

Байтинга бир бора қовушган ҳар лаб,
Тақроллаб кетгуси маҳшаргача то.
Қартиб турибсан бу ён, не ажаб,
Миллиард мартабали жаҳонни ҳатто.

Алишер Навоий аслида Хомер, Фирдавсий, Низомий, Румий, Данте, Шекспир, Ҳёте, Бальзак, Пушкин, Толстой каби жаҳон адабиётининг забардаст намояндалари билан бир қаторда туради. Зеро, юксак бадиияти, теран фалсафаси, кенг қамровли, умуминсоний масалалар ўзининг ҳассос ифодасини топгани жиҳатидан Навоий асарлари жаҳон адабиётининг энг баркамол намуналари билан бўйлаша олади ва шоирнинг ўзи дунёнинг буюк санъаткорлари рўйхатида энг юқори ўринлардан бирини эгаллашга ҳар жиҳатдан муносиб. Жалолиддин Румий ўз даврида лутф этиб: «Агар мусулмият Санойининг улуғлигини кўра билсайди, жамки мўминларнинг қалпоғи бошидан тушарди!» — деган эди. Биз бу фикрни бир оз ўзгартириб: «Агар инсоният Навоийнинг буюклигини англаб етганида, уни дунёга берган халқни бошига кўтарар эди!» — деган бўлар эдик.

«Ҳафт авранг» хотимасида Абдурахмон Жомий Алишер Навоийнинг истеъоди ва маҳоратига юксак баҳо бериб, у Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Дехлавий панжасига муносиб панжа ура олди, ҳатто улардан ҳам ўзиб кетди. Яхшиямки, у асарларини туркийда яратди, агарда форсийда қалам тебратганида борми, бошқаларга бу майдонда жавлон уриш учун мажол қолмас эди, деб ёзади:

Ки гар буди он ҳам ба назми дари,
Намонди мажолӣ суҳангустари.
Ба мизони назми мўъжазнимом
Низомии ки буди-ю, Хусрав қадом?

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Спорт янгиликлари

БАРАКАЛЛА, ВАДИМ

Россиянинг Сочи шаҳрида Халқаро теннис федерацияси ташаббуси билан ўтказилган «Фьючерс» туркумидаги халқаро турнирнинг жуфтлик беллашувлари ҳамюртимиз Вадим Куценкога омад келтирди.

Россиялик Эрванд Гаспарян билан ҳамкорликда ҳамюртимиз аввалига мезбон спортчилар — Алексей Филенков — Станислав Вовкни 6:4, 6:4, Аранк Арутюнян — Андемир Каранашевни 6:2, 6:4, Михаил Фуфигин — Виталий Решетниковни 6:2, 6:4 ҳисобларида енгиб, финалга йўланма олди. Ҳал қилувчи баҳсда Вадим Куценко — Эрванд Гаспарян жуфтликга яна россияликлар Сергей Кротюк ва Александр Лобков дуэти рўбарў келди. Шиддатли курашларга бой, муросасиз кенган беллашув якунида Куценко — Гаспарян жуфтлик рақибларидан 6:4, 5:7, 10:8 ҳисобида устун келиб, бош совринни қўлга киритди.

РИШОД — КУРРАИ ЗАМИНДА ТЕНГСИЗ

Маълумки, сентябрь оқи ўрталарида Японияда дзюдо бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли турнирда Ватанимиз шарафини химоя қилган иқтидорли спортчи, Пекин Олимпиадаси совриндори, бир неча халқаро турнирлар голиби Ришод Собиров куни кеча Халқаро дзюдо федерацияси томонидан эълон қилинган рейтинг таснифиди 60 килограмм вазни дзюдочилар орасида биринчи ўринни эгаллади. Унинг бу муваффақияти юртимизда дзюдо ёшлар орасида жадаллик билан оммалашиб бораётганлигини яна бир қарра исботлайди.

Шуниси эътиборлики, апрель ойида эълон қилинган рейтинг рўйхатида учинчи ўринга лойиқ топилган ҳамюртимиз жорий йили уюштирилётган халқаро турнирларда муваффақият қозонишга эришди. Айниқса, февралда Парижда ўтказилган «Катта дубулга» туркумига кирувчи халқаро турнирда кумуш, май, июнь ойларида Тунисда ташкил этилган халқаро турнирда олтин медалларни қўлга киритган Ришод халқаро миқёсда ўз вазнида тенгсиз спортчи деб тан олинди.

Японияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида ҳам муваффақиятли иштирок этиш ҳамюртимизга насиб этади дея умид қиламиз.

ЁШ ШАХМАТЧИЛАР ДОНА СУРДИ

Шаҳримизда шахмат бўйича 150 нафарга яқин болалар ва ўсмирлар ўртасида ташкил этилган турнир мамлакатимизда «ақл гимнастикаси» билан шуғулланаётган ёшлар тобора кўпайиб бораётганлигини исботлаб берди.

Мусобақа қоидасига кўра «А» гуруҳида мамлакат миқёсидида турнирларда қатнашиб тажриба ортирган 70 нафардан зиёд шахматчи голиблик учун дона сурган бўлса, «В» гуруҳида шахмат билан эндигина шуғулланаётган 60 дан ортиқ спортчи иштирок этди.

Тўққиз турдан иборат бўлган «А» гуруҳи баҳсларида голибликка 12 ёшли Арам Каспаров 7,5 очко жамғариб эришган бўлса, қолган совринли ўринларга Улмасбек Ҳакимов ва Одил Раҳмонов эгаллик қилишди.

«В» гуруҳида эса янги истеъод соҳибаси — Мухлиса Санақуллова ажойиб ўйинлари билан рақибларидан маҳоратлироқ эканлигини исботлаб, якунда саккиз очко жамғариб ва биринчи ўринни эгаллади, иккинчи, учинчи ўринлар Саидамин Тоҳирхўжаев ва Амир Расуловга насиб этди.

ҲИНДИСТОНДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида армрестлинг бўйича уюштирилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари медаллар шодасини қўлга киритди.

Вазни 60 килограммгача бўлган спортчилар ўртасида ўнг қўлда ўтказилган беллашувларда ҳамюртимиз Элдор Хотамқулов олтин медалга, чап қўлда ташкилланган баҳсларда кумуш медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, ўз вазн тоифасида Шерзод Раҳмоновга иккита кумуш, Мирабдулла Мирқаримовга битта кумуш, битта бронза, Исролбек Эргашев ва Фаррух Асқаровга биттадан кумуш медалга насиб этди.

ТОШКЕНТ ҲАКАМЛАРНИ КУТМОҚДА

Жорий йилнинг 23-28 сентябрь кунлари пойтахтимизда Осиё футбол конфедерациясининг «Futuro-3» лойиҳасидан ўрин олган футбол ҳакамлари учун ўқув семинари бўлиб ўтади.

Сўнги пайтларда ҳакамлик масалаларига жиддий эътибор қаратаётган Халқаро футбол федерацияси қарорига кўра ушбу ўқув семинарининг Тошкентда ташкил этилаётгани халқаро мусобақаларда ўзбекистонлик ҳакамларнинг муваффақиятли иштирок этаётганининг яна бир қарра эътирофидир. Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Осиё футбол конфедерацияси ҳамкорликда ушбу тадбирнинг муваффақиятли ўтишини таъминлаш мақсадида ташкилий ишларни ҳал этишди. Бир сўз билан айтганда, Тошкент ўқув семинарларини ўтказишга тайёр.

Акбар Йўлдошев

ЯНГИ МАВСУМ БОШЛАНДИ

Муҳимий номидаги давлат мусикали драма театрида янги мавсум бошланишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».

Тадбирда театр директори, Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабов мамлакатимизда театр санъатида қаратилган эътибор, унинг ёшлар дунёқарашининг шаклланишида зарур омил эканлигига алоҳида тўхтади.

Театрнинг жозибаси, жонлиги ўсмирлар онгига тез ва ижобий таъсир кўрсатади. Мустақиллик йилларида театр санъати бўлган эътибор кўнади. Эндиликда театр сахаларида намойиш этилаётган ҳаётӣ, қизқарли спектакллар нафақат катта авлод вакиллари, балки ёшларнинг ҳам меҳрини қозонишга ултурди.

Театрнинг янги мавсуми Абдулла Қодирий асари, Сарвар Юсуфов мусикаси, Рустам Маъдиев сахналаштирган «Кумушбиби ва Отабек» сахна асари билан бошланди.

Тадбирда Ўзбек миллий академик драма театри, Муҳимий номидаги давлат мусикали драма ҳамда Ёш томошабинлар театрларининг ёшларга манзур бўлган сахна асарлари, спектаклларнинг мавзу кўлами тобора ошиб бораётганлиги ва репертуарларнинг хилма-хиллиги ҳусусида сўз борди.

Шунингдек, Муҳимий номидаги давлат мусикали драма театрининг ўзига хос тарихи, унда ижод қилган эл ардоғидаги санъаткорлар ва уларнинг ижод йўллари, аҳил театр жамоасининг бугунги кундаги иш фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Азима ҚИЁСОВА



Ўзбекистон ветеринария мутахассислари ассоциациясининг Тошкент вилояти бўлими муҳри йўқолганлиги туфайли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табақ,
офсет усулида босилади.
282 нуска босилади.
Қоғоз бегиши А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123

Топширилган вақти: 16.30